

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

РАШИДОВ ЮСУФ КАРИМОВИЧ

**ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ФАОЛ ЭЛЕМЕНТЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ ҚУЁШЛИ ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ
ТИЗИМЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИШОНЧЛИЛИГИНИ
ОШИРИШ**

**05.09.03 – Иссиқлик таъминоти. Вентиляция, кондиционерлаш. Газ таъминоти
ва ёритиш**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Рашидов Юсуф Каримович

Ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлардан фойдаланиш орқали қуёшли
иссиқлик таъминоти тизимларининг самарадорлиги ва ишончлилигини
ошириш.....3

Рашидов Юсуф Каримович

Повышение эффективности и надёжности систем солнечного
теплоснабжения на основе применения саморегулируемых активных
элементов.....28

Rashidov Yusuf Karimovich

Increasing the efficiency and reliability of solar heat supply systems by using self-
regulating active elements.....53

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....57

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

РАШИДОВ ЮСУФ КАРИМОВИЧ

**ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ФАОЛ ЭЛЕМЕНТЛАРДАН
ФЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ ҚУЁШЛИ ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ
ТИЗИМЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИШОНЧЛИЛИГИНИ
ОШИРИШ**

**05.09.03 – Иссиқлик таъминоти. Вентиляция, кондиционерлаш. Газ таъминоти
ва ёритиш**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/T91 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига (www.taqi.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар: Узоқов Фулом Норбоевич,
техника фанлари доктори, профессор;
Бобоев Собиржон Мурадуллаевич,
техника фанлари доктори, профессор;
Аббасов Ёркин Садыкович,
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Диссертацияси ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» декабр соат да Архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади.. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.: (+99871) 241-10-84; факс: (+99871) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертацияси билан Тошкент архитектура - қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: (+99871) 244-63-30; факс: (+99871) 241-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____да тарқатилди.
(2020 йил «__» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Ақромов,
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Х. Камилов,
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.А. Ходжаев,
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Жаҳонда қуёш энергиясидан кенг миқёсда амалий фойдаланишнинг энг устувор йўналишларидан бири - қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларидир. Ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Австралия, Хитой, Россия каби давлатларда қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги илмий тадқиқотларда юқори иқтисодий самарадорликка эга ва содда қуёш коллекторлари ва тизимларини яратиш, уларнинг нархи ва улардан фойдаланиш вақтидаги сарф харажатларни пасайтириш масалалари етакчи ўрин эгалламоқда. Бу борада ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлардан фойдаланишга асосланган қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларининг самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказларида қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларини такомиллаштиришга, жумладан, ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлардан фойдаланиш орқали янги усулларни яратишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимлари ва унинг элементлари, масалан, қуёш коллектори, иссиқлик аккумулятори, гелиоконтур ва иссиқлик истеъмолчининг контуридаги иссиқлик ва гидравлик жараёнларни моделлаштириш, тизимнинг иш параметрларини оптималлаштириш, уни ҳисоблаш ва бошқариш усулларини такомиллаштириш, иссиқлик ташувчисини ҳарорат потенциалини йўқолишини минималлаштириш талабларини белгилашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда, қуёш энергиясини ностационар келиши ва тарқалиши шароитида иссиқлик ташувчисини энергия ва масса оқимларининг ғалаёнлигини сезадиган ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлардан фойдаланиш асосида қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларининг самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш учун энергия тежамкор технологияларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...яқин келажакда устувор вазифа сифатида иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сифимларини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ...» вазифалари белгиланган¹. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ясси қуёш коллекторларининг иссиқ сув таъминоти тизимларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг асосий параметрларини оптималлаштириш, қуёш энергиясини иссиқликка айлантириш жараёнларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

моделлаштириш ечимларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчан энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, бошқа илғор технологиялар, иссиқлик қурилмаларини яратиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹.

Қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларининг самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш назарияси ва амалиётини ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб илмий марказларида, хусусан, Висконсин университетида (АҚШ), Қуёш технологиялари институтида (Швейцария), Қуёш энергияси миллий марказида (Хиндистон), Хитой Фанлар академиясининг Энергетик тадқиқотлари институтида (Хитой Халқ Республикаси), АҚШ миллий стандартлар бюросида (АҚШ), Россия Фанлар академиясининг Бирлашган юқори хароратлар институтида (Россия Федерацияси), “МЭИ” Миллий тадқиқот университетида (Россия Федерацияси), Туркменистон Фанлар академиясининг “ГУН” ИИЧБсида (Туркменистон Республикаси), Ўзбекистон Республикаси Фанлар кадемиясининг “Физика-Қуёш” ИИЧБсида (Ўзбекистон Республикаси), АЖ ToshuyjoyLITI (собик “ТашЗНИИЭП”, Ўзбекистон Республикаси) ва Тошкент архитектура-қурилиш институтида (Ўзбекистон Республикаси) кенг миқёсларда олиб борилмоқда.

Ясси коллекторларда қуёш энергиясини иссиқликка айлантириш, уни иссиқлик аккумуляторларида тўплаш ҳамда иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимларида фойланиш учун дублёр манбалар билан ишлаш параметрларини танлаш бўйича бажарилган тадқиқотлар асосида дунё миқёсда бир қатор долзарб муаммолар ечилган ва қуйидаги муҳим илмий натижаларга эришилган, жумладан: қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимлари ва қайта тикланувчан энергия манбаларини динамик моделлаштириш дастурларини яратиш борасидаги ҳисобий-назарий ва

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.iea-shc.org>; <http://www.ren21.net>; <https://www.sciencedirect.com/>, <https://www.researchgate.net/>, <https://www.scientific.net/>, <https://www.academia.edu/>, <https://www.elsevier.com/> ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

тажрибавий изланишлар асосида қуёш коллекторларини қишда иссиқлик ташувчисини музлатишдан ва йилнинг ёзги даврларида хаддан ташқари қизиб китишдан ҳимоя қилиш усуллари, бир ва кўп секцияли сув аккумуляторларида юқори самарали стратификация қилинган иссиқлик сақлаш усуллари, насосли циркуляцияда қуёш коллекторлари майдонидаги иссиқлик ташувчисини бир текис тақсимланишини таъминлаш усуллари, термосифон ва насосли циркуляциясига эга қуёш коллекторларида иссиқлик ташувчисини бир ва кўп марта қиздириш усуллари (Висконсин университети, АҚШ; Қуёш технологиялари институти, Швейшария; Қуёш энергияси миллий маркази, Хиндистон); ясси қуёш коллекторлари ва қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимлари, автоном ва комбинациялашган иссиқ сув таъминоти тизимларининг намуналари яратилди ва асосий иссиқлик техникавий кўрсаткичлари аниқланди (АҚШ миллий стандартлар бюроси, АҚШ; Россия Фанлар академиясининг Бирлашган юқори ҳароратлар институти, Россия Федерацияси; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институти, Ўзбекистон).

Ҳозирги кунда дунёда қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларининг самарадорлиги ва ишончилигини ошириш борасида илмий тадқиқотлар қуйидаги устувор йўналишлар бўйича олиб борилмоқда: қуёшли иссиқ сув таъминоти ва иситиш учун оддий, иқтисодий ва ишончли воситаларни ишлаб чиқиш, қуёш коллекторларини максимал самарадорликка эга бўлган қулай ишлаш шароитларни яратиш ҳамда уларнинг асосий иш параметрларини оптималлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларининг самарадорлиги ва ишончилигини ошириш муаммоси Қайта тикланадиган энергия манбалари миллий лабораториясида (NREL, АҚШ), Иссиқлик энергияси технологиялари институтида, Кассел университетида (Uni Kassel, Германия) ва бошқа кўплаб илмий марказларда ўрганилмоқда. Ҳозирги вақтда янги технологиялар ёрдамида қуёш иситиш тизимларининг самарадорлиги ва ишончилигини ошириш бўйича тадқиқотлар FiveStar (КРН), Viessmann (Германия) ва GREEN one TEC (Австрия) да олиб борилган.

Яқин кўшни давлатларда бир қатор академик, илмий- тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари, шунингдек ишлаб чиқариш ташкилотлари қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш билан шағулланмоқда. Улар орасида Россия Фанлар академиясининг Бирлашган юқори ҳароратлар институти, МЭИ Миллий тадқиқот университети ва Г.М. Кржижановский номидаги Энергетика институти (ЭНИН, Россия Федерацияси), Киев миллий қурилиш ва архитектура университети ва КиевЗНИИЭП институти (Украина), ТбилЗНИИЭП институти (Грузия) ва бошқалар бор. Қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларини яратиш ва самарадорлигини ошириш соҳасида илмий тадқиқотлар Б.В. Тарнижевский, О.С. Попел, В.И. Виссарионов, Б.И. Казанджан ва В.А. Бутузов (Россия Федерацияси), М.Д.Рабинович, А.Р.Ферт ва Н.В. Харченко (Украина), Н.В. Меладзе

(Грузия), Р.Б. Байрамов ва А.Д. Ушакова (Туркменистон Республикаси), А.И. Исманжанов (Қирғизистон Республикаси), Р.А. Захидов, Р.Р. Авезов ва Е.А. Насоновлар (Ўзбекистон Республикаси) раҳбарлигида бажарилган.

Амалга оширилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, классик мувозанат термодинамикаси асосида қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларини яратишга анъанавий ёндашув ҳали ҳам қўлланилади, бу эса мувозанат бўлмаган жараёнларни ва қуёш энергияси тарқалишида гелиотизим элементларида содир бўладиган динамик таъсирларни ҳисобга олмаган ҳолда физик ҳодисаларнинг соддалаштирилган тавсифини назарда тутди. Гелиотизимларининг самарадорлиги ва ишончилигини оширишда синергетик эффектларни ҳисобга олиш масалаларига етарлича эътибор берилмаган, уларнинг асосида эса ўзини ташкил қилиш ва ўз-ўзини тартибга солиш жараёнида, ночизиқли ва мувозанатсиз термодинамиканинг замонавий концепцияларига биноан, энергия ва масса оқимида эга бўлган кучли мувозанатсиз очиқ тизимларда маълум (критик) шароитларда ўз-ўзидан пайдо бўладиган эффектлар ҳисобига қуёш иссиқлик таъминоти тизимнинг берилган режимини автоматик равишда таъминлайдиган хатти ҳаракатларига таъсир кўрсатиши мумкинлиги эътиборга олинмаган. Ушбу тадқиқотларда ўз-ўзини тартибга солувчи иссиқлик ва гидродинамик жараёнлардан самарали фойдаланиш ва ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементларни яратишга асосланган самарадорлиги ва ишончилиги юқори бўлган қуёш энергиясида ишловчи оддий иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантиришга қаратилган муаммолар ўз ечимини топмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура қурилиш институти илмий тадқиқот ишлари режасининг А-12-001 “Созланувчи ясси концентраторлари ва аккумулятор бакида горизонтал хароратли табақаланиши билан юқори самарали қуёш электр энергиси модул типидagi иссиқ сув таъминоти тизимини ишлаб чиқиш” (2006-2008). ва БВ-М-ФЗ-003 “Иссиқлик таъминоти тизимларида қуёш иссиқлик энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари илмий асослаш ва излаш” (2017-2020) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлардан фойдаланиш асосида самарадорлиги ва ишончилиги юқори бўлган қуёш энергиясида ишловчи оддий иссиқлик таъминоти тизимларини яратиш ва лойиҳалашнинг назарий ва экспериментал асосларини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементларни қўллашга асосланган қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларининг самарадорлиги ва ишончилигини оширишнинг муқобил усулини ишлаб чиқиш;

қуёш коллекторларини музлашдан химоя қилиш, иссиқликни стратификацияли аккумуляция қилиш ва иссиқлик ташувчисининг иситиш

хароратини ростлаш учун ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементларнинг принципиал схемалари ва конструкцияларини ишлаб чиқиш;

янги ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементларда оқиб ўтадиган физик ходисалар ва термогидродинамик конунларини ўрганиш, уларнинг гидравлик ва энергетик кўрсаткичларини аниқлаш;

ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементларнинг физик-математик моделларини яратиш ва уларни экспериментал маълумотларга мослигини текшириш;

ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементларни оқилона лойиҳалаш учун зарур бўлган асосий мезон ва ҳисоблаш формулаларини аниқлаш;

яратилган ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлар асосида иссиқлик таъминоти тизимларининг схемаларини ишлаб чиқиш ва улардан қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларида фойдаланишнинг ўзига ҳосликларини аниқлаш;

ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлар ва улар асосида қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларини ҳисоблаш учун муҳандислик усулларини яратиш, ушбу қурилмалардан фойдаланишнинг энергия смардорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатитда ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементларга эга бўлган қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларининг ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементларида содир бўладиган иссиқлик ва гидродинамик жараёнларнинг қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мувозанатсиз термодинамика, иссиқлик ва масса алмашилиш назарияси, гидродинамика, физик-математик моделлаштириш ва эксперимент, ўхшашлик назарияси ва ўлчам бирликларни таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлардан фойдаланиш асосида қуёшли иссиқлик таъминоти тизимларида содир бўладиган ўз-ўзини тартибга солувчи иссиқлик ва гидродинамик жараёнларнинг самарадорлиги ва ишончилигини оширишнинг муқобил усули ишлаб чиқилган;

гелиотизимларида ўзи-ўзини бошқариш эффектлари пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементларни яратишнинг илмий ва муҳандислик асослари ишлаб чиқилган;

мувозанатсиз иссиқлик ва гидродинамик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда фаол элементларда содир бўладиган бистабиллик ва бифуркация шартлари аниқланган,

Вентури қузури шаклидаги ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементга эга бўлган ўз-ўзини дренаж қиладиган гелиоконтурининг гидродинамик қонуниятлари аниқланган;

перфорация қилинган сув тақсимлаш ва сув қабул қилиш коллекторлари учун Архимед кучларининг ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда ўз-ўзини

тартибга солувчи фаол элементларнинг физикавий-математик модели ишлаб чиқилган;

ўз-ўзини тартибга солувчи термосифонли гелиоконтур фаол элементининг геометрик ўлчамини қуёш радиацияси, ташқи муҳит ҳарорати, қуёш коллекторининг турига боғлиқлигини ифодаловчи физикавий-математик модели ишлаб чиқилган;

ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлар ва улар асосида қуёш иссиқлик таъминоти тизимларини муҳандислик ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

анъанавий ўз-ўзини дренаж қиладиган гелиоконтурга нисбатан иссиқлик ташувчисини қиркуляция қилиш учун сарфланадиган энергия миқдорини 65-80 фоизгача камайтиришга имкон берадиган Вентури қузури шаклидаги фаол элементли ўз-ўзини дренаж қиладиган гелиоконтурлар ишлаб чиқилган;

ўз-ўзини дренаж қиладиган гелиоқурилмалар учун гелиоколлекторларнинг конструкциялари ишлаб чиқилган (UZ FAP 01472, UZ FAP 01490, UZ FAP 01504 рақамли патентлар);

сувнинг барқарор ҳароратли табақаланиши таъминланганлиги ҳисобига қуёш энергиясидан фойдаланиш самарадорлиги 15-20 фоизгача оширилган фаол элементли бир секцияли ўз-ўзини тартибга солувчи иссиқлик аккумуляторларнинг конструкциялари ишлаб чиқилган;

автоном иссиқ сув таъминоти гелиоқурилмалари учун фаол элементлар ёрдамида истеъмолга олинадиган иссиқ сувнинг доимий ҳароратини таъминлайдиган ва уларнинг фойдаланишга тайёргарлигини 1,5-2 соатга оширадиган ўз-ўзини тартибга солувчи термосифон гелиоконтурнинг конструкциялари ишлаб чиқилган;

лойиҳалаш ташкилотлар, конструкторлик бюрolari ва тажрибавий-ишлаб чиқариш корхоналарда, шунингдек олий таълим муассаларининг мутахассисларининг ўқув жараёнида янги энергия самарали қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларини лойиҳалашда қўлланилиши мумкин бўлган ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлар ва улар асосида қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларини муҳандислик ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган (ҚМҚ 2.04.16-18 ва Ўз РДС 744-96 га киритилган).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик қурилмаларининг иссиқлик-техникавий параметрларини замонавий оптималлаштириш, иссиқлик ва гидродинамик моделлаштириш усулларида, ҳисоблаш техникаси ва ўлчов воситаларидан фойдаланилганлигига билан асосланади, ҳамда тадқиқот натижаларининг мазкур соҳада илгаридан маълум бўлган ечимлар билан таққосланиши ва уларнинг тадқиқотда таклиф қилинган умумий ифодалар ва ечимлардан хусусий ечим сифатида келиб чиқиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, қуёш коллекторларини

музлашдаш ҳимоя қилиш, иссиқликни юқори самарали стратификацияли сақлаш ва иссиқлик ташувчисини иситиш ҳароратини стабиллаштириш учун ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлардаги термодинамик жараёнларнинг математик моделлари ишлаб чиқилган, изотермик бўлмаган суюқлик оқими ва қовушқоқлик қаршилиқ шароитида ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш учун аналитик ва мезоний тенгламалари олинган, термодинамик асослар аниқланган ва қуёш иссиқлик таъминоти тизимларида стационар бўлмаган термодинамик жараёнлардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлардан фойдаланишга асосланган қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимларнинг самарадорлиги ва ишончилигини оширишнинг муқобил усули ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлар ва улар асосида қуёш иссиқлик таъминоти тизимларни ҳисоблаш учун муҳандислик усуллари ишлаб чиқишдан иборат. Илмий изланишлар натижалари анъанавий ечимлар билан таққослаганда гелиотизимларнинг энергия ва иқтисодий самарадорлиги ҳамда ишончилиги юқори даражада оширилган, кам материал сарфловчи, алоҳида элементлари ва қисмларнинг нархи пасайтирилган, ишлаши сезиларли даражада соддалаштирилган, энг оддий ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементларнинг конструкциясини ишлаб чиқишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлардан фойдаланиш асосидаги қуёшли иссиқлик таъминоти тизимларнинг самарадорлиги ва ишончилигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган ўз-ўзини дренаж қилувчи гелиоқурилмалар, стратификацияли аккумуляторлар ва термосифон гелиоконтурларнинг фаол элементларини лойиҳалаш учун меърий хужжатларга ўзгартиришлар ва тавсиялар киритилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 27.07.2020 й. № 09-06/5892-сонли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон иқлимий шароитида самарадорлиги 30% гача оширилган оддий ва 20% гача арзонлаштирилган гелиоқурилмаларни лойиҳалаш учун норматив базасини яратишга эришилган;

қуёш энергиясида ишловчи иссиқ сув таъминоти қурилмалари учун янги энергия тежамкор ечимларни лойиҳалаш бўйича Қўлланма яратилган (КМК 2.04.16-2018 учун) (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 27.07.2020 й. № 09-06/5892-сонли маълумотномаси). Натижада амалда бажариладиган лойиҳаларнинг энергия самарадорлигини 30% гача оширишни таъминлашга имконини берган;

қуёш қурилмаси билан жиҳозланган бир хонадонли 6 хонали турар-жой биноси; гелиодуш; иссиқ сув тайёрлайдиган гелиогенераторлар, иссиқ сув тайёрлайдиган модуль турдаги автоном қуёш қурилмаларнинг тажрибавий лойиҳалари ишлаб чиқилган ва қурилган (“ToshuyjoyLITI” АЖнинг 23.10.2019 йилдаги маълумотномаси). Натижада қуёш коллекторларининг

умумий майдони 26 минг кв.м бўлган 1,5 мингдан ортиқ модулларни куришга эришилган;

иссиқ сув тайёрлайдиган гелиогенератор, гелиодушлар ҳамда "Шахсий турар-жой бинолари учун мавсумий қуёшли иссиқ сув таъминоти тизимларнинг техник ечимлари"нинг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилган ("ToshuyjoyLITI" АЖнинг 23.10.2019 йилдаги маълумотномаси). Натижада намунавий лойиҳалар амалиётга жорий этишга имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 22 та ҳалқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 66 та илмий иш чоп этилган. Улардан 1 та монография, 62 та илмий мақола, шу жумладан, асосий диссертация натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 10 та хорижий ва 23 та республика миқёсидаги журналларда, шунингдек, 3 та фойдали модел учун ЎзР ИМАнинг (FAP №01504, FAP № 01490, FAP № 01472) патентлари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 208 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотларининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **“Иссиқлик таъминоти тизимларида қуёш иссиқлик энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш: жаҳон ва ички тажриба”** номли бобида қуёшли иссиқлик таъминоти тизимларининг (ҚИТТ) ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш йўллари таҳлил қилинган ва ҚИТТ учун ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементларни (ЎТСФЭ) тадқиқоти ва ишлаб чиқиш бўйича хорижий ва ички тажриба кўриб чиқилган.

ҚИТТ нинг ривожланиш ҳолати ва истиқболларини таҳлил қилиш, ЎТСФЭ дан фойдаланиш орқали турғун бўлмаган термогидравлик жараёнлардан самарали фойдаланишга асосланган мувозанатсиз термодинамика усуллари асосида уларни такомиллаштиришга янгича ёндашувни ишлаб чиқиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бу қимматбаҳо электрон контроллерларсиз ҚИТТ ишини бошқаришга, оралиқ иссиқлик алмаштиргичларда ҳарорат потенциали йўқотилишини

камайтириш ҳисобига қуёш коллекторларини (ҚК) иссиқлик унумдорлигини оширишга, иссиқлик ташувчисини циркуляцияси учун электр энергия харажатларни камайтиришга, қуёш қурилмаларини конструктив ечимларини ва улардан фойдаланишни соддалаштиришга ҳамда қуёш тизимлари энергия самарадорлиги ва ишончлилигини оширишга ёрдам беради.


Ишчи гипотеза. Бу самарадорлиги ва ишончлилиги ошган оддий ҚИТТ ни ўз-ўзини тартибга солувчи иссиқлик ва гидравлик жараёнларнинг (ЎТСИГЖ) имкониятларини тўлиқ амалга оширадиган ЎТСФЭдан самарали фойдаланиш асосида яратиш эҳтимоли фараз қилинади.

Муаммони ҳал қилиш ҳолатини адабий ва патент манбаларини таҳлил қилиш натижасида диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Ўз-ўзини тартибга солувчи иссиқлик ва гидродинамик жараёнлар ёрдамида фаол элементлар асосида қуёшли иссиқлик таъминоти тизимларининг самарадорлиги ва ишончлилигини оширишнинг муқобил усулини ишлаб чиқиш”** деб номланган иккинчи бобида ҚИТТда ЎТСИГЖдан самарали фойдаланиш учун термодинамик асосларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар натижалари, ўз-ўзини тартибга солиш эффектларни вужудга келиш шартларини аниқлаш, уларнинг асосий хусусиятлари ва ишчи параметрлари топиш, шунингдек, ҚК музлашдан химоя қилиш, иссиқликни стратификацияли сақлаш, сувни қиздириш ҳароратини барқарорлаштириш, иссиқлик ташувчиси оқимини алоҳида ҚК ва ҚК майдонида бир теккисда тақсимлаш учун иссиқлик ташувчисини тезлиги ва зичлиги ўзгартиришида содир бўладиган бир ва икки фазали динамик эффектлардан фойдаланиш, ЎТСФЭни конструкциялаш тамойиллари келтирилган.

ЎТСИГЖ таснифи ва бошқарувчи гидродинамик параметри λ га қараб ҚИТТ оддий ва мураккаб хатти ҳаракатининг тавсифи келтирилган (1-расм), бунда λ ҳар бир аниқ ҳолатларда турли катталиклар кўринишида бўлиши мумкин: ҳарорат фарқи ΔT , тезлик фарқи Δv , Ричардсон мезони Ri ва бошқалар. Бошқарув λ термогидродинамик параметрнинг кичик қийматларида фақат a ягона ечими бўлиши мумкин, бу тизимнинг оддий термогидродинамик жараёнидаги динамик эффектлар бўлмаган ҳолатдаги оддий хатти-ҳаракатига мос келади. Гидродинамик параметрнинг маълум бир $\lambda_{кр}$ критик қийматидан ўтганда, тизимнинг ҳолати беқарор бўлади, чунки тебранишлар ёки кичик ташқи ғаланаёнишлар энди сўнмайди.


Тизим стандарт ҳолатдан четга чиқади ва $\lambda = \lambda_{кр}$ атрофида танқидий танловни амалга ошириб, янги b_1 ёки b_2 режимига ўтади. Ушбу режимларнинг иккаласи ҳам $\lambda = \lambda_{кр}$ бўлганда бирлашиб, $\lambda > \lambda_{кр}$ бўлганда эса ажралади. Бу ҳодиса бифуркация, икки барқарор ҳолатнинг мавжудлиги эса бистабиллик дейилади.



ЎТСИГЖни ЎТСФЭдаги мураккаб хатти-ҳаракатини тавсифлайдиган тенгламалар, тизимнинг оддий хатти-ҳаракатларини ягона ечим билан тавсифлайдиган тенгламалардан фарқли равишда, камида иккита ечимга эга бўлиши керак деган фундаментал хулоса қилинди (1-расмга қаранг).

Шу асосда ҚИТТ учун энг оддий ЎТСФЭлар шаклида яратилган янги ўз-ўзини тартибга солувчи қурилмаларнинг тавсифи ва уларнинг ишлаш усуллари келтирилган.

ҚК 1 ва иссиқлик алмашгич 2 ни ўз ичига олган ишлаб чиқилган ўз-ўзини дренаж қиладиган гелиоқурилманинг (ЎДҚГ) ўзига хос хусусияти дренаж резервуари 3 нинг Вентури қузури 4 кўринишидаги ЎТСФЭнинг торайган кесими орқали циркуляция қурурлар билан уланганлиги (2-расм, а) ва гидродинамик триггер режимида ишлаганлигидир.



2-расм. Ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементлари бўлган ЎДҚГ (а), СИА (б) ва ЎТСТГ ларнинг (в) принципаал схемалари


Бунинг натижасида насос 5 тўхтаганганда ҚК 1 дренаж қилинади, насос ишга тушурилганда эса, гелиоконтурда иссиқлик ташувчиси анъанавий баланд жойлашган кенгайиш идишли тизимга хос бўлган юқори гидростатик босими остида циркуляция қилади. Шу сабабли, маълум бўлган ЎДҚГларга нисбатан, дренаж резервуарининг уланиш нуктасида уларда йўқотиладиган иссиқлик ташувчисининг ортиқча гидростатик босимини енгиш учун энергия сарфлари бартараф қилинган.

Аккумуляторнинг зарядланиш ва разрядланиш контурларидан келадиган иситадиган ва иситиладиган иссиқлик ташувчиларини аралашиб кетишини олдини олувчи ўз-ўзини тартибга солувчи стратификацияли иссиқлик аккумуляторнинг (СИА) ишлаши, мажбурий циркуляция шароитида ҳажмий (архимед) кучлар таъсири остида бакдаги сувни табиий табақаланишига асосланган (2-расм, б). Бунинг учун тегишли ҳарорат қатламларига

суоқликни тарқатиш ва сўриб олишни таъминлаш шартларига кўра тешик майдонлари ҳисобланган иситадиган ва иситиладиган иссиқлик ташувчиларни узатиш 1, 3 ва қайтиш 2, 4 перфорация қилинган қувурлар шаклидаги ЎТСФЭ хизмат қилади. ЎТСФЭлар архимед кучлари таъсири остида иситадиган ва иситиладиган иссиқлик ташувчиларнинг ҳароратларига кўра икки барқарор ҳолатлари ўртасида биридан иккинчисига мустақил ўтиш ва иссиқлик триггери режимида ишлаш қобилиятига эгадир.

Ўз-ўзини тартибга солувчи термосифон гелиоконтурнинг (ЎТСТГ) ўзига хос хусусияти шундаки, гелиоконтур ҚКнинг чиқишидаги сув доимий ҳароратга эгадир. Бунинг учун тўғридан-тўғри оқимли ЎТСТГ (2-расм, в) очик бўлиб, аккумулятор 2 идишига иссиқ сувни узатувчи 1 қувурининг учи, h баландликда сув сатҳидан юқорироқ ўрнатилгандир. Гелиоконтурнинг гидравлик қаршилиги баландлиги h гидростатик устун ёрдамида оширилганлиги учун, қуёш радиацияси таъсирида 3 ҚКларида қизиган сув аккумулятор 2 идишига фақат керакли ҳароратга эга бўлгандан сўнг тушиши мумкин, бунда иссиқ сув ҳароратини ҳаволи гидравлик занжири шаклидаги ЎТСФЭ 1 қувурининг учини кўтариш ёки пасайтириш йўли билан созланиш мумкин.

Гидравлик коллектор шаклидаги ЎТСФЭли иссиқлик ташувчисининг оқимини бир текис тақсимлайдиган ҚКнинг уланиш конструкцияси ишлаб чиқилган. Бунинг учун узунлиги l , бошида диаметри d_n , охирида эса d_o , узунлиги бўйлаб бир қатор бир хил δ_{mp} диаметрли қўтарув қувурлар тўплами жойлашган, иссиқлик ташувчисининг сарфи G , бошида тезлиги W_n , сарф коэффициенти μ га тенг гидравлик конус каналидаги сув тарқсимлаш жараёни кўриб чиқилган (3-расм).



3-расм. Бир қаторли қўтарув трубалари тўплами (а) ва доимий δ кенгликдаги (б) шартли тирқишли конуссимон гидравлик каналнинг схемаси

Оқимнинг тақсимланиш жараёни дифференциал тенглама билан таърифланади:

Чегаравий шартлар:

$$\bar{G}_x'' \bar{G}_x' + \frac{\mu^2 \bar{f}^2}{\bar{F}_x^2} \bar{G}_x' \bar{G}_x' - \frac{\mu^2 \bar{f}^2}{\bar{F}_x^2} \left[\frac{\bar{F}_x'}{\bar{F}_x} + \frac{\lambda \bar{l}}{2 \bar{d}_x} \right] \bar{G}_x^2 = 0, \quad \left. \begin{array}{l} \bar{x} = 0 \quad \bar{G}_0 = 0 \\ \bar{x} = 1 \quad \bar{G}_H = 1 \end{array} \right\} \quad (1)$$

бу ерда $\bar{f} = \frac{f}{F_n} = \frac{\delta l}{F_n \cos \theta}$; $\bar{l} = \frac{l}{d}$; $\bar{d}_0 = \frac{d_0}{d_n}$; $\bar{d}_x = \frac{d_x}{d_n} = \frac{d_0 + 2x \operatorname{tg} \theta}{d_n} = \frac{d_0 + 2x \frac{d_n - d_0}{2l}}{d_n} = \bar{d}_0 + (1 - \bar{d}_0) \bar{x}$;

$$\bar{F}_x = \bar{d}_x^2 = [\bar{d}_0 + (1 - \bar{d}_0) \bar{x}]^2; \quad \bar{F}_x' = 2 [\bar{d}_0 + (1 - \bar{d}_0) \bar{x}] (1 - \bar{d}_0);$$

Дифференциал тенглама (1) ни интеграллаш сонли усулда бажарилди. Ҳисоблаш натижасида \bar{x} га боғлиқ ҳолда $\mu\bar{f}, \lambda\bar{l}$ ва \bar{d}_o катталикларнинг турли қийматларида оқим тақсимоотида берилган $r_{\bar{x}}$ нотекислик билан ҚҚ уланишини лойиҳалаш учун графиклар қурилди.

«Вентури қувури шаклидаги ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементли ўз-ўзини дренаж қиладиган гелиоқурилмани татқиқ этиш» деб номланган иккинчи бобида Вентури қувурли ЎДҚГдаги гидродинамиканинг ўзига хосликлари кўриб чиқилди. Бунда Вентури қувурини қўлланилиши ҳисобига ўз-ўзини дренаж қиладиган оддий контурга нисбатан оқимнинг узилиши билан боғлиқ бўлган гидростатик босим йўқолишини 65-80% гача камайиши кўрсатилган. Бундай гелиоконтурнинг энергия самарадорлиги насос ишлашига сарфланадиган нисбий $\Delta\bar{E}_B$ энергия тежалиши билан баҳоланди, бунинг учун диссертацияда қуйидаги ифода олинди

$$\Delta\bar{E}_B = \left[\left(\frac{D}{d} \right)^4 \left(\frac{\alpha_1}{\alpha_2} - \frac{1}{\alpha_2} \zeta_B \right) - 1 \right] \left[\frac{\alpha_1}{\alpha_2} \left(\frac{D}{d} \right)^4 + \frac{1}{\alpha_2} \zeta_{npz} \right]^{-1}, \quad (2)$$

бу ерда D, d - Вентури қувурининг кенг ва тор кесимлардаги диаметри, м; α_1, α_2 - кенг ва тор кесимлардаги Кориолис коэффициентлари; ζ_B, ζ_{npz} - Вентури қувури ва гелиоконтурнинг маҳаллий қаршилик коэффициентлари.

Вентури қувурли ЎДҚГда ўтувчи гидродинамик жараёнлар учун тенглама олинди

$$\Delta p_{нас}^B = \begin{cases} \rho g H - (\alpha_1 F_1^{-2} - \alpha_2 F_2^{-2}) G^2 (2\rho)^{-1} + (S_c + S_B) G^2 & G \leq G^* \\ (S_c + S_B) G^2 & G \geq G^* \end{cases} \quad (3)$$

бунда $G = \rho F_2 W_2 = \rho F_1 W_1$; $S_c = A_c \left(\frac{\lambda}{D} l + \sum \zeta_c \right) = A_c \zeta_{npz}$; $S_B = A_B \zeta_B$; $A_c = \frac{16}{2\rho\pi^2 D^4}$;

$$A_B = \frac{16}{2\rho\pi^2 d^4}; F_1 = \frac{\pi d^2}{2}; F_2 = \frac{\pi D^2}{2}.$$

Вентури қувури шаклидаги ЎТСФЭли ЎДҚГни лойиҳалашнинг ўзига хосликларини аниқлаш учун ЎДҚГнинг гидродинамик режими қуйидаги ифода билан тавсифланди


$$\Delta\bar{p}_{нас}^B = \begin{cases} 1 - \left[\left(\frac{D}{d} \right)^4 \left\{ 1 - a + a \left(\frac{d}{D} \right)^4 \right\} - 1 \right] \left[\left(\frac{D}{d} \right)^4 + \zeta_{npz} \right]^{-1} & \text{для } \bar{G} \leq 1 \\ \left[\left(\frac{D}{d} \right)^4 \left\{ 1 - a + a \left(\frac{d}{D} \right)^4 \right\} + \zeta_{npz} \right] \left[\left(\frac{D}{d} \right)^4 + \zeta \right]^{-1} & \text{для } \bar{G} \geq 1 \end{cases} \quad (4)$$

Тенглама (4) ночизикли мувозанатсиз термодинамиканинг замонавий тасавурлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинди (4-расм).

4-расмдан кўриниб турибдики, бошқарувчи гидродинамик параметр G нинг 0 дан $G = 1$ гача бўлган кичик қийматларида ЎДҚГ нинг оддий харакатига мос келувчи фақат битта ечим (**a**) мавжуд. Бошқарувчи иссиқлик гидродинамик параметрнинг критик қиймати $\bar{G} = 1$ атрофида тизимнинг

ҳолати бекарор бўлиб қолади, чунки тебранишлар ёки кичик ташқи галаёнишлар бу ҳолатда сўнмайди.

Фаол элемент - Вентури қувурини мавжудлиги туфайли тизим кучайтиргич каби ҳаракатланади, стандарт ҳолатидан четлашади ва $\bar{G} = 1$ соҳасида критик танлов қилиб, яъни сарф критик $G=G^*$ тенг бўлганда, оқимнинг узулиши бўлган циркуляциясидан ($\bar{G} < 1$ бўлганда, чизик a , $\bar{G} \geq 1$ соҳасида ЎТСФЭ бўлмаганида b_1 чизиғи бўйича давом бўлар эди) оқимнинг узулиши бўлмаган циркуляцияли ($\bar{G} \geq 1$ бўлганда, чизик b_2 , $\bar{G} \geq 1$ соҳасида ЎТСФЭ бўлганида) янги режимга ўтади.



4-расм. ЎДҚГнинг барқарор ва бекарор ҳолатларнинг термодинамик тармоғи

Шундай қилиб, ЎДҚГнинг икки барқарор режими бор: ЎТСФЭни йўқлигида оқимнинг узулиши билан циркуляцияли ($\bar{G} < 1$ соҳасида) ва ЎТСФЭни борлигида оқимнинг узулиши бўлмаган циркуляцияли ($\bar{G} \geq 1$ соҳасида). Бу иккала режим $\bar{G} = 1$ (ёки $G=G^*$) бўлганда бирлашади ва $\bar{G} \geq 1$ бўлганда эса фарқ қилади.

Бинобарин, бифуркация ҳодисаси ҳамда иккита барқарор ҳолатнинг мавжудлиги, яъни бистативлик ЎДҚГга хосдир. Бифуркация натижасида ҳосил бўлган ечимлар ЎДҚГга Вентури қувури шаклидаги фаол элементларни киритилиши туфайли симметрия бузилиши билан характерланади. Тизимнинг $\Delta \bar{\mathcal{E}}_B$ энергия самарадорлигига сезиларли таъсирини Вентури қувурининг геометрик (D/d) ва гидродинамик (ζ_B) характеристикалари кўрсатади, гелиоконтурдаги гидростатик босимнинг тақсимланишини таҳлил қилиш натижасида унинг оптимал жойлашиши насоснинг ассимиляция қувури эканлиги аниқланди.

Вентури қувурининг геометрик ўлчамларини ҳисоблаш учун ифода олинди

$$\frac{D}{d} = \sqrt[4]{\frac{\alpha_2}{\alpha_1} \left(1 + \frac{2gH}{\alpha_2 W_2^{*2}} \right)}. \quad (5)$$

бу ерда H – гелиоқурилманинг геометрик баландлиги, м; W - Вентури қувурининг кенг кесимлардаги сувнинг тезлиги, м/с.

ЎДҚГнинг Вентури қувуридаги оқимнинг геометрик ва гидродинамик характеристикалари стандарт торайтириш қурилмалари ва бошқа илгари ўрганилган конфуздор-диффузор ўтишлардаги оқим характеристикаларидан фарқи туфайли қовушоқлик қаршилик соҳаси учун оқим торайиши юқори

бўлган Вентури қувурлари синалди. Тажриба маълумотлари мезон шаклида қайта ишланди. Мезон тенгламасининг умумий шакли катталикларни таҳлил қилиш асосида олинди ва "π - теорема"сига мос келди.

Вентури қувурларининг синов натижалари асосида 2 дан 5 гача торайиш даражасига эга бўлган ўтишлар учун қуйидаги мезоний тенгламалар аниқлади:

$$\zeta_{кр} = 17,639 Re^{-0,464} \left(\frac{D}{d}\right)^{0,66} \left(\frac{\delta}{d}\right)^{0,09}; \quad (6) \quad \zeta_{np} = 8,046 Re^{-0,379} \left(\frac{D}{d}\right)^{0,70} \left(\frac{\delta}{d}\right)^{0,09}. \quad (7)$$

(6) ва (7) тенгламалар $Re = (0,25 \div 1,5) 10^5$; $D/d = 2 \div 5$; $\delta/d = 0,2 \div 0,6$; $l/d = 1$ бўлганда амал қилади.

Қаршилик характеристикалари усули асосида ўз-ўзини дренаж қилувчи гелиоконтурни гидравлик ҳисоблаш усули таклиф этилди.

ЎДҚГнинг нормал ишлаш режими гелиоконтур циркуляция насосларининг суткалик ишга тушиши ва тўхташи билан боғлиқ бўлиб, насосларнинг тезланиш ва тўхташ режимларида иссиқлик ташувчисини оқим тезлигининг кескин ўзгариши туфайли гидравлик зарба (ГЗ) билан содир бўлади.

Шу муносабат билан циркуляция насосларни ЎДҚГга нисбатан ишга тушириш ва тўхтатишда ГЗни ҳисоблаш усули ишлаб чиқилди. Насосни ЎДҚГда ишга тушириш ва тўхтатишда тўла бўлмаган ГЗ қийматини аниқлаш учун унинг геометрик ва иш параметрлари ва циркуляция насосининг кўсаткичларига қараб ифодалар олинди:


$$\text{- насос ишга туширилганда } \Delta h_{уд}^{пуск} = \frac{2L\Delta v_p}{gT_3} \quad (8); \quad \text{- насос тўхтаганда } \Delta h_{уд}^{ост} = \frac{2L\Delta v_D}{gT_3} \quad (9)$$

Насоснинг тўсатдан ўчирилиши оқибатида ГЗдаги оқимнинг узилиши юз берганда, босимнинг сакраши

$$h_{уд}^{ост.разрыв} = \frac{c}{g} v_2 + 3h_1, \quad (10)$$

бу ерда h_1 – тизимдаги сувнинг максимал сатҳи ва насоснинг ўрнатиш сатҳи ўртасидаги фарқи сифатида аниқланган статик босим.

ЎТСФЭлар ёрдамида ЎДҚГни ГЗдан ҳимоя қилиш схемаси ишлаб чиқилди (5-расм).



5-расм. Вентури қувури шаклидаги ЎТСФЭлардан фойдаланиш ёрдамида ЎДҚГни ГЗдан ҳимоя қилиш схемаси

а-насос ишлаганда; б-ҚКни дренаж қилинганда; в-насосни ишга туширишдан олдин

Бу схемада Вентури қувури шаклидаги ўз-ўзини тартибга солувчи актив элементлар ёрдамида гелиоконтурнинг узатиш ва қайтариш қувурлари орқали ҚКларидан сув насосни четлаб ўтиб, дренаж резервуарига тўкилади. Шу билан бирга Вентури қувурларининг торайтирилган қисмидаги тешиклар доимо очиқ бўлади, шунинг учун фавқулдда электр токи узилиши ва циркуляция насосининг тўхташида улар иссиқлик ташувчига насосни четлаб ўтиб дренаж резервуарига оқишига эркин имкон беради. Бу насос тўхтатилганда ГЗ ни олдини олади.

“Тешикли қувур шаклидаги ўз-ўзини тартибга солувчи актив элементга эга бўлган стратификацион аккумуляторларни тадқиқ этиш” деб номланган тўртинчи бобида тешикли қувурлар кўринишидаги ЎТСФЭли СИАнинг тадқиқот натижалари келтирилган.

Асосан, тешикли сув тарқатгич ва сув қабул қилгичлар томонидан сувни тақсимлаш ва танлаш вақтида СИАларида содир бўладиган ҳодисалар иссиқлик алмашинув аппаратларнинг тақсимлаш ва қабул қилиш коллекторларда ўрганилган ҳодисалардан фарқ қилмайди. Бироқ, ўз-ўзини тартибга солувчи сув тақсимлагичларда инерция кучлари билан таққосланадиган архимед кучларининг ҳаракати суяқлик оқимининг манзарасини мураккаблаштиради.


Бу ҳол учун тузилган, изотермик бўлмаган оқимнинг ҳажм кучлари таъсирида тақсимлаш жараёнини ифодаловчи (6-расм) дифференциал тенглама қуйдаги кўринишга эга:

$$\overline{W}_x'' \overline{W}_x' + p \overline{W}_x' \overline{W}_x + q \overline{W}_x^2 = p Ri, \quad (11)$$

$$p = \mu^2 f^2; q = -0,5 \mu^2 f^2 \lambda \bar{l}; Ri = \frac{-gl \Delta \rho}{W_H^2 \rho}; \bar{f} = \frac{f}{F} = \frac{\delta l}{F}; \bar{l} = \frac{l}{d_s}$$

Чагаравий шартлар:

$$\left. \begin{array}{l} \bar{x} = 0 \quad \overline{W}_0 = 0 \\ \bar{x} = 1 \quad \overline{W}_H = 1 \end{array} \right\} 12)$$



6-расм. ЎТСФЭда изотермик бўлмаган оқимнинг селектив тақсимотининг схемаси

Ўлчамсиз Ri комплекси сув тақсимлагич бошидаги архимед кучлари ва инерция кучлари нисбатини тавсифловчи Ричардсон модификацияланган сонидир. Жумладан, $Ri = 0.5$ бўлганда, бу кучлар тенгдир ($-gl\Delta\rho = 0,5\rho W_H^2$). Агар архимед кучлари юқорига қаратилган бўлса ($\Delta\rho > 0$), у ҳолда $Ri < 0$, акс ҳолда ($\Delta\rho < 0$), $Ri > 0$.

Сув тақсимлагични ҳисоблашда аниқловчи қиймат шартли тирқишнинг параметридир $\mu \bar{f}$. Сув тақсимлагичнинг бир учидаги сув оқими тезлиги нолга тенг бўлганда шартли параметрининг қиймати критик ($\mu \bar{f}^{kp}$) дейилади, яъни қўшимча шартлар бажарилганда (6-расмга қаранг):

$$Ri < 0,5 \quad \bar{v}_H = 0; \quad (13) \quad \text{ёки} \quad Ri > 0,5 \quad \bar{v}_0 = 0. \quad (14)$$

Дифференциал тенглама (11) чегаравий (12) ва қўшимча (13)-(14) шартлар билан компютерда сонли усулда ва силлиқ деворли ҳамда кичик узунликдаги сув тақсимлагич учун, яъни $\lambda \bar{l} = 0$ тенг бўлганда, аналитик усулда ечилди.


Иккинчи ҳолда, сув тақсимлагич ичидаги оқимнинг нисбий тезлиги учун аналитик ифода олинган

$$\bar{W}_{\bar{x}} = \sqrt{2Ri\bar{x} + \frac{2C_1}{p}} \sin \left[\pm \frac{2}{3} \sqrt{p} \left(\bar{x} + \frac{C_1}{pRi} \right) + \frac{C_2}{\sqrt{pRi\bar{x} + C_1}} \right], \quad (15)$$

шартли тирқишнинг критик параметри ва сув тақсимлагич узунлиги бўйлаб нисбий сув оқими тезлиги учун эса қуйидаги ифодалар олинди:

$$\mu \bar{f}^{kp} = \begin{cases} 1,5\pi Ri [1 - (1 - 2Ri)^{1,5}]^{-1} & \text{при } Ri \leq 0,5 \\ 1,5 \text{Arcsin}(2Ri)^{-0,5} & \text{при } Ri \geq 0,5 \end{cases} \quad (16); \quad \bar{v}_{\bar{x}}^{kp} = \begin{cases} \frac{\pi}{2} \cos \frac{\pi}{2} \bar{x} & Ri < 0,5 \\ 1,5\sqrt{\bar{x}} & Ri > 0,5 \end{cases} \quad (17)$$

Компютерда бажарилган ҳисоб-китобларга кўра, формула (16) деворлари ғадир-будур ва узун бўлган ($\lambda \bar{l} \neq 0$) сув тақсимлагичга, $|Ri| \geq 5$ бўлганда ҳам амал қилади, чунки Ричардсон сонларнинг бу оралиғида $\lambda \bar{l}$ ни $\mu \bar{f}^{kp}$ га кўрсатадиган таъсири аҳамиятсиз даражада кичикдир. Агар $|Ri| < 5$ бўлса, у ҳолда сув тақсимлагич деворларининг узунлиги ва ғадир-будурлигини компютерда ҳисоблаш натижалари асосида назарий эгри чизликлардан фойдаланган ҳолда ҳисобга олиш керак (7-расм).




Аэродинамик стенда олиб бориладиган назарий ечимларни текшириш тажрибалари олинган аналитик ифодаларни тажриба маълумотлари билан яхши келишганлигини кўрсатди (7-расм).

Олинган ечималар ночизикли мувозанатсиз термодинамиканинг замонавий тасавурлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинди (8-расм).

8-расмдан кўришиб турибдики, бошқарувчи иссиқлик гидродинамик параметр Ri нинг 0 дан $Ri_{kp} = 0,5$ гача бўлган кичик қийматлари учун фақат битта ечим (a) ЎТСФЭ нинг оддий харакатига мос келади, бунда Архимед кучлари инерция кучлари томонидан бостирилганлиги сабабли динамик таъсирлар бўлмайди. Бу ҳолда, тенглама (11) таниқли В.Н. Талиев

тенгламасига унинг ўнг томони нолга тенг бўлганда ва узунлик бўйлаб нисбий оқим тезлиги деярли бир хил бўлганда $\bar{v}_x \approx 1$ айланади



8-расм. ЎТСФЭнинг барқарор ва беқарор ҳолатининг термодинамик тармоғи

Ушбу соҳа иссиқлик ташувчиси оқимининг бир текис тақсимланиши билан анъанавий лойиҳалаш услубига тегишлидир. Бу соҳада тизим ички тебранишларни ёки ташқи ғалаёнишларни ўчиришга қодирдир. Шу сабабли ушбу тармоқни термодинамик тармоқ деб аталади.

Бошқарувчи иссиқлик гидродинамик параметрнинг критик қиймати $Ri=Ri_{kp}=0,5$ атрофида ЎТСФЭнинг ҳолати ушбу тармоқда беқарор бўлиб қолади ва ЎТСФЭ стандарт ҳолатидан четка чиқади ҳамда $Ri=Ri_{kp}$ атрофида критик танловини амалга оширади, янги режимга ўтади, яъни сув тақсимлагичнинг узунлиги бўйича иссиқлик ташувчисини ягона (симметрик) тақсимланишидан ($Ri=0$ бўлганда), архимед кучларининг йўналишига қараб, селектив (симметрик бўлмаган) тақсимланишига ўтади.

Бу ҳолда, икки барқарор режимлар бўлиши мумкин (b_1 ва b_2): сувни ЎТСФЭнинг юқори ($Ri < 0,5$ да) қисмига кўпроқ ёки пастки қисмига ($Ri > 0,5$ да) кўпроқ тақсимлаш билан. Бу иккала режим $Ri=Ri_{kp}$ да бирлашади ва $Ri > Ri_{kp}$ бўлганда эса фарқ қилади.

Сувни қабул қилиш коллектори ичида сув тақсимлагичи коаксиал жойлашганда селектив (танлаб) оқим сўриш (9-расм) ҳолати учун қуйидаги дифференциал тенглама тузилди


$$\bar{W}_x'' \bar{W}_x' - 2p \bar{W}_x' \bar{W}_x + q \bar{W}_x^2 = p Ri, \quad (18) \quad \text{Чагаравий шартлар:}$$

$$\left. \begin{aligned} \bar{x} = 0 & \quad \bar{W}_0 = 0 \\ \bar{x} = 1 & \quad \bar{W}_k = 1 \end{aligned} \right\} \quad (19)$$

μf^{kp} ни аниқлаш учун кўшимча шартлар:

$$Ri=0 \quad \bar{V}_x \approx 1; \quad (20)$$

$$Ri>0 \quad \bar{V}_o = 0. \quad (21)$$



9-расм. ЎТСФЭда изотермик бўлмаган оқимини селектив қабул қилиш схемаси

(18) дифференциал тенгламани (19) чегаравий ҳамда (20) ва (21) кўшимча шартларида узунлиги калта ва деворлари силлиқ бўлган сувни қабул қилгич коллекторлар учун, яъни $\lambda \bar{l} = 0$ бўлганда, ечими топилди.

Бунда узунлиги калта ва деворлари силлиқ бўлган сувни қабул қилгич коллекторлар ичидаги оқим харакатининг нисбий тезлиги учун аналитик ифода

$$\bar{W}_{\bar{x}} = \sqrt{Ri\bar{x} + \frac{C_1}{p}} sh \left[\pm \frac{\sqrt{8p}}{3} \left(\bar{x} + \frac{C_1}{pRi} \right) + \frac{C_2}{\sqrt{pRi\bar{x} + C_1}} \right]. \quad \text{олинди, шартли}$$

тирқишнинг критик параметри учун эса қуйидаги формула топилди

$$\mu \bar{f}^{kp} = \frac{3}{\sqrt{8}} Arsh \frac{1}{\sqrt{Ri}}. \quad (22)$$

$|Ri| \geq 1,5$ бўлганда (16) ва (22) формулалар ёрдамида олинган сонли қийматларни таққослаш асосида, сувни қабул қилиш коллектори ичида сув тақсимлагичи коаксиал жойлашган бўлса, тарқатиш режими шароитдан келиб чиққан ҳолда коллекторни ҳисоблаш бир вақтнинг ўзида уни сувни селектив қабул қилиш режимига оптимал эканлиги кўрсатилган.

Ҳажмий кучлар таъсирида изотермик бўлмаган оқим ҳолати учун СИАнинг сув тақсимлагичини ҳисоблаш усули таклиф этилди.

Аккумуляторларда сувнинг ҳароратли табақаланишининг самарадорлигини баҳолаш муаммоси кўриб чиқилди, бунинг учун уни зарядлаш жараёни қуйидаги дифференциал тенглама билан ифодаланди

$$d\tau = \frac{M}{G} \frac{dt_a}{t_2 - t_1}. \quad (23)$$

(23) дифференциал тенгламанинг ечими асосида аккумуляторни ҳар қандай табақаланиш даражасида зарядлашнинг ҳақиқий жараёнини ифодаловчи ифода олинди

$$\bar{Q} = \begin{cases} \bar{\tau} & \bar{\tau} \leq (1 - \beta_3) \\ 1 - \beta_3 \exp\left(\frac{1 - \beta_3 - \bar{\tau}}{\beta_3}\right) & \bar{\tau} \geq (1 - \beta_3) \end{cases} \quad (24)$$

Аккумуляторни зарядлаш ва разрядлаш жараёнида аккумуляция қиладиган муҳитнинг аралашуш даражасини ҳисобга олувчи стратификация коэффициенти таклиф этилди $K_c = 1 - \beta_3 = \frac{Q_c}{Q_{\max}}$. (25)

$\bar{\tau} < 5$ бўлган шароитда амал қиладиган K_c нинг аккумулятор тўлиқ зарядланишига қадар у орқали иссиқлик ташувчиси айланишининг карралигига боғлилигининг тахминий ифодаси олинган

$$K_c = 1,357 - 0,38\bar{\tau} + 0,02173\bar{\tau}^2. \quad (26)$$

Стратификация коэффициенти аккумулятордаги сувнинг ҳароратли табақаланиш даражасини тўлиқ тавсифлайди. K_c қанчалик юқори бўлса, табақаланиш шунчалик катта бўлади. Бу ҳарорат режимдан қатъи назар, аккумуляторларни иссиқлик сақлаш самарадорлиги бўйича бир-бири билан солиштириш ва K_c қийматидан иссиқлик ташувчининг норматив оқим

тезлигида аккумуляторнинг паспорт характеристикаси сифатида фойдаланиш имконини беради.

“Калта қувур жўмрак шаклидаги ўз-ўзини тартибга солувчи фаол элементли термосифон иссиқ сув таъминоти тизимларини тадқиқ этиш” номли бешинчи боб ўз-ўзини тартибга солувчи термосифон гелиоконтурни тадқиқ этишга бағишланган.

Калта қувур жўмрак шаклида ҳаво гидравлик занжирли гелиоконтур учун (2-расм, 6 га қаранг), қуйидаги тенглама тузилди:

$$-agh_1(t_2 - t_1) = (S + \alpha_2 A) \frac{\eta^2 E^2}{C_p^2 (t_2 - t_1)^2} + gh_2(at_2 + b) \quad (27)$$

(18) тенглама қуёш қабул қилгичининг чиқишида сув ҳарорати t_2 га нисбатан ечилди:

$$t_2 = \sqrt[3]{-L + \sqrt{L^2 + M^3}} + \sqrt[3]{-L - \sqrt{L^2 + M^3}} - N \quad (28)$$

бу ерда

$$L = \frac{[bh_2 - at_1(3h_1 + 2h_2)]^3}{27a^3(h_1 + h_2)^3} - \frac{[bh_2 - at_1(3h_1 + 2h_2)][at_1^2(3h_1 + h_2) - 2bh_2t_1]}{6a^2(h_1 + h_2)^2} + \frac{(bh_2 - ah_1t_1)t_1^2}{2a(h_1 + h_2)} + \frac{(S + \alpha_2 A)\eta^2 E^2}{2c_p g a(h_1 + h_2)}$$

$$M = \frac{3a(h_1 + h_2)[at_1^2(3h_1 + h_2) - 2bh_2t_1] - [bh_2 - at_1(3h_1 + 2h_2)]^2}{9a^2(h_1 + h_2)^2}; N = \frac{bh_2 - ah_1(3h_1 + 2h_2)}{3a(h_1 + h_2)}$$

